



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Majburiy beril nusxa

Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2010 йил 27 ноябрь, № 229 (5144)

Шанба

ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф қилинган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетни лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазир Р. Азимов маъруза қилди, Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б. Иминов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Сўзга чиққанлар таъкидладиларки, мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати макроеқтисодий барқарорлиқни ва янги ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори суръатларини таъминлашга, модернизация, диверсификация қилинган ва рақобатбардор иқтисодиётни шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдинда олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастури амалга оширилиши, жорий йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунларига тахминий баҳо бериш натижалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Келгуси йил Давлат бюджети самарали инвестиция сиёсати ўтказиши, ишлаб чиқаришнинг ўта муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва унинг самардорлигини ошириш орқали тузилмавий ислохотларни давом эттириши ва иқтисодий ривожлантиришни назарда тутди. Ҳужжатда ижтимоий масалаларни ҳал этишга ҳам катта эътибор қаратилган.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатнинг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофида муҳокама қилиниб, унда сиёсий партиялар барча фракцияларнинг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жадал ривожлантириши янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ягона солиқ тўловининг базавий ставкаси камайтирилганини муҳим эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Улар унумдорлиги паст ерларда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер ҳўжалиқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, сугорилмайдиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш келгуси йилда ҳам давом эттирилишини мамнуният билан таъкидладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари кўриб чиқилган молиявий ҳужжатнинг ижтимоий йўналтирилганлигига эътиборни қаратдилар. Бюджетдан ажратилмайдиган катта миқдордаги маблағлар иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини инқироз суръатларига нисбатан илдам ошириш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини изчил яхшилаб бориш мақсадида қаратил-

ган чора-тадбирларни рўйбга чиқариш имконини беради. Келгуси йилда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларини ривожлантиришга, умумий таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хўнажар коллежларини, олий ўқув юр்தларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун катта миқдорда маблағлар ажратилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари жаҳон бозорларидаги ўта номақбул конъюнктура шароитларида мамлакатимизнинг экспортчи корхоналарини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар. Миллий халқ хўнажандчилигини, шунингдек, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш учун ҳамма жойда мақбул шарт-шароитлар яратилиши зарурлигини таъкидладилар. Бинобарин, шу орқали нафақат миллий иқтисодиётни ривожлантириши, балки яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрларига кўра, мамлакат иқтисодиётини бундан буён ҳам барқарор ривожлантириш, кўп жи-

ҳатдан, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий инновацион технологияларни жорий этиш, ташқи бозорларда Ўзбекистон Республикаси мавқенини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш мақсадини кўзаловчи инқирозга қарши чораларни давом эттириш ва чуқурлаштиришга, шунингдек, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга боғлиқдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар аҳоли пунктларини ободонлаштириш, халқимизни сифатли ичимлик суви, экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш борасидаги ишларни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар. Жойларда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатни инфослантиришни истисно қилувчи ҳозирги замон техника ва технологияларини жорий этишни ҳам унутмаслик керак. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги айрим корхоналар раҳбарларининг экологик вазият учун жавабгарлигини ошириш зарур. Негаки, фуқароларнинг соғлиғи ва фаровонлиги, кўп жиҳатдан, айнан ана шунга боғлиқ.

Шунингдек, Давлат бюджети ҳаражатлари параметрларининг иқтисога доир самарали ишларни ташкил этиш мақсадида минтақаларнинг молиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, шу билан бирга, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан депутатлар иштирокида катъий назоратни амалга ошириш учун маҳаллий вакиллик органлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлик гуруҳлари салоҳиятидан кенг фойдаланиш тақлиф этилди.

Муҳокама чоғида баён этилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР

фармацевтика саноати ривожидида муҳим аҳамият касб этмоқда

Тиббиёт, хусусан, фармацевтика саноатини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт муассасаларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланишига, тармоқ корхоналарининг модернизация қилиниб, технологик жиҳатдан янгилашишига имкон яратаяпти.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Натижада фармацевтика корхоналарида рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб, улар аҳоли саломатлигини тиклашга хизмат қилаётир.

Пойтахтимиздаги "Nika Pharm" шўъба корхонасида бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жамoa томонидан ишлаб чиқарилаётган капсула, ампула, таблетка ва бошқа дори-дармонлар эса тиббиёт муассасалари ҳамда харидорларга пешма-пеш етказиб берилаётир.

(Давоми 2-бетда).



ТРАНСПОРТ ЙўЛАКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ - МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ташкил этилиб, 25 ноябрда ўтказилган давра суҳбати Марказий Осиё минтақаси транспорт йўлакларини ҳамда ушбу соҳада халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш муаммоларига бағишланди.

Давра суҳбати қатнашчилари қайд этганларидек, Марказий Осиёнинг географик жойлашуви, яъни денгиз бандаргоҳларига тўғридан-тўғри чиқиш йўллари йўқлиги минтақа мамлакатларининг жаҳон ҳўжалик алоқаларига кенг қўламада кириб боришини секинлаштириб қўяётир. Шу муносабат билан халқаро аҳамиятга молик транспорт йўлакларини ривожлантириш минтақанин бариқарор тараққий этишини таъминлаш учун зарур бўлган гоят муҳим вазифадир.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов томонидан таъкидланганидек, "транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг географик ўрни, бандаргоҳларга ва гоят йирик транспорт тугунларига

чиқиш йўллари йўқлиги туфайли устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда".

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар Ўзбекистонда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича жуда катта иш амалга оширилганини таъкидладилар. Мамлакатимиз ўз ресурслари ҳисобидан халқаро йўлакнинг гоят муҳим ўнқирини бўлиши ички транспорт тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бормоқда.

"Уқудуқ — Мискин — Кўнғирот", "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган" темир йўллари қурилганлиги, Навоий ва Ангрэн шаҳарларида тобора кўпроқ муҳим халқаро транспорт тугунларига айла-

ниб бораётган интермодал логистика марказлари барпо этилганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Жорий йилнинг 9 ойида Навоий шаҳри аэропортидан Европа ва Осиёнинг йирик логистика марказларига 18,5 минг тонна юк ташилган, 674 та юк рейси амалга оширилган бўлиб, булар ўтган йилдаги шундай кўрсаткичдан уч баравар кўпдир. Ангрэн шаҳридаги логистика маркази орқали 2010 йилнинг тўққиз ойида 3,1 миллион тонна юк ташилди. Замонавий транспорт-коммуникация тизимини барпо этиш мақсадида Ўзбекистон ҳар йили халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистонлик мутахассислар томонидан Афғонистон тарихида биринчи — "Хайратон — Мозори Шариф" темир йўли қурилишининг тугалланиши минтақада мулкато янгица геоиқтисодий вазиятни вужудга келтирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ТОШКЕНТда оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасини таъминлаш ва бу борадаги долзарб вазифалар ижросига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Она ва бола саломатлиги — соғлом келажак гарови

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазасига қаратилаётган эътибор, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар катта самара бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

СИРДАРЁ. "Ховосдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида кенг қўламли модернизация тадбирлари амалга оширилди.

Қувват ошди, сифат яхшиланди

Хусусан, хориждан келтирилган 517 минг АҚШ долларилик замонавий технологиялар ёрдамида бир кечакундузда 100 тоннагача бугдойни қайта ишлаш имконияти яратилди.

Ш. ХОЛМУРОВОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО. Ғиждувон туманидаги "Муҳаммад Риёз" хусусий корхонасида томёпқич материаллари ҳамда маиший қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бир йўла икки лойиҳа

Бунинг учун корхона ҳисобидан юз миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Натижада 18 киши муқим иш ўрнига эга бўлди. Бу ерда қисқа муддатда маҳаллий хом ашёдан 20 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

Айтиш жоизки, вилоятда саноатни ривожлантириш худудий дастури доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида 175 та лойиҳа амалга оширилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳридаги резина-поябзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Асп-экспорт" қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Корхона маҳсулотлари — хорижга

Айни пайтда лойиҳа қиймати 810 миллион сўм бўлган корхонада замонавий технологиялар ёрдамида ойига 40 минг жуфт пойабзал тайёрланмоқда. Эътиборлиси, 48 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари ички бозордан ташқари экспорт ҳам қилинмоқда.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲОРАТ, ШИЖОАТ ВА БАРКАМОЛЛИК

Спортчиларимиз XVI Осиё ўйинларида қувончли ютуқларга эришдилар.



Ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугун вояга етаётган авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шу босидан ҳам истиқлол йиллари мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу мақсадга эришишда спорт ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мустақиллик шарофати билан нафақат шаҳарларда, балки энг олис қишлоқ жойларида ҳам бири-бирдан кўркам спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилмоқда. Бу каби эътибор ва ғамхўрликлар самараси эса мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдонларда қўлга киритаётган муваффақиятларида намоён бўлмоқда.

Бунга шу кунларда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтаётган XVI Осиё ўйинларида қўлга киритилаётган ғалабалар ҳам ёрқин далилдир.

Кеча бўлиб ўтган беллашуларда ҳамюртларимиз спортнинг каратэ, энгил атлетика, байдаржада эшкак

Ифтихор

эшиш, бадий гимнастика, бокс ва шахмат каби турларида медаллар учун кураш олиб боришди. Уларда каратэчимиз Барно Мирзаева 61 килограммгача бўлган вазнда бронза медали билан тақдирланди. Байдаржада эшкак эшиш баҳсларида эса Алексей Мочалов 200 метрлик масофага маррага учинчи бўлиб етиб келди ва бронза медал соҳиби бўлди. Худди шу масофага жуфтлик баҳсларида эса Сергей Борзов, Алексей Бобононов "тандеми" терма жамоамиз ҳисобига навбатдаги кумуш медални туҳфа этди. Енгил атлетикачимиз Ринат Тарзуманов найза улоқти-



ришда 79,65 натижа билан бронза медалини қўлга киритди. Бадий гимнастика гиламида нафис чиқишлари билан муҳлису мутахассислар олқишига сазовор бўлган иқтидорли спортчимиз Ульяна Трофимова шахсий кўрсаткич бўйича кумуш медал билан тақдирланди.

Шу ўринда мамлакатимизда хотин-қизлар спортини, хусусан, унинг нафис ва гўзал тури ҳисобланмиш бадий гимнастикани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бадий гимнастика қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялашга, уларнинг мусиқа ва рақсга бўлган қизиқишларини оширишга, шунингдек,

(Давоми 4-бетда).

Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун қиймати

2,4

триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Бунинг натижасида, аниқроғи, модернизациялашнинг ҳаётбахш кучи туфайли корхоналарда янги қувватлар ишга туширилди, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, кўплаб иш ўринлари яратилди.

Модернизация шарофати

Бир рақам шарҳи

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун қиймати

2,4

триллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Бунинг натижасида, аниқроғи, модернизациялашнинг ҳаётбахш кучи туфайли корхоналарда янги қувватлар ишга туширилди, маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, кўплаб иш ўринлари яратилди.

Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси олдида

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, уни омма-лаштириш бўйича кенг қамлаб ишлар амалга оширилади...

қарши курашишга қўмаклашиш назарда тутилган. Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция кенг қамровли бўлиб, унга қўра, спорт инсон соғлигини сақлашда, унинг ахлоқий, маданий ва жисмо-

хурмат тамойилларига риоя этиш ҳамда бу борадаги тадқиқот натижаларидан биргаликда фойдаланишга йўналтирилган халқаро ҳамкорликнинг барча шакллари рағбатлантириш юзасидан ҳам фаолият кўрсатиш талаб қилинади.

КОНВЕНЦИЯНИНГ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНИШИ

спортда допингга қарши назорат олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди

Буни юртимизга ташир буюраётган жажон спортни усталарининг фикр-мулоҳазалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айни пайтда, Ўзбекистонда бугун спорт мусобақаларини ҳалол, тақиқланган моддаларсиз ўтказишга алоҳида эътибор берилмаётди. Шу боисдан бу борадаги қонунчилик изчил тақомиллаштирилмоқда.

тилгани билан ниҳоятда аҳамият-лидир. Шу ўринда Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция 2005 йил 3-21 октябрь кунлари Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси (ЮНЕСКО) томонидан қабул қилинган алоҳида таъкидлаш жоиз. ЮНЕСКОнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги стратегияси ҳамда фаолият дастури доирасида ишлаб чиқилган ушбу Конвенцияда спортда допинг қўллашнинг олдини олишга ва допингни йўқотиш мақсадида унга

ний тарбиясида ҳамда дунё миқёсида ўзаро ҳамкорлик ва тинчликнинг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутмоғи керак. Шу боисдан Конвенцияни ратификация қилган иштирокчи-давлатлар ўз зиммаларига миллий ва халқаро даража-ларда Бутунжаҳон допингга қарши кодексининг принципларига мос зарурий чораларни кўриши талаб этилади. Эслатиб ўтамиз, ушбу кодекс Бутунжаҳон допингга қарши агентлиги томонидан 2003 йил 3-5 март кунлари Копенгаген шаҳрида ўтказилган Спортда допинг бўйича бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган. Айни пайтда иштирокчи-давлатлардан спортчиларни химоя қилиш, спортда одоб ва

Таъкидлаб ўтиш керакки, Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига зид келмайди ва амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш-ни талаб этмайди. Зеро, мамлакатимизнинг амалдаги "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуни 9, 16-моддаларида допингнинг тақиқловчи қоидалар мавжуддир. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда 135 дан ортик давлат қўшилган мазкур Конвенциянинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилиниши мамлакатимизда спортда допингга қарши назоратни олиб боришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаши билан аҳамиятлидир.

Соҳиб САФОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи Сийosat масалалари қўмитаси раиси.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР — ҚОНУН ҚИМОЯСИДА

Вояга етмаганларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш, уларга эътиборли бўлиш халқимизнинг азалий эзгу ҳусусиятидир. Қон-қонимизга сингиб кетган ана шу юксак инсоний тамойил истиқлол йилларида янада ривожланиши ва мамлакатимиз қонунларида ўз ифодасини топди.

Маълумки, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида ёшларнинг ҳуқуқи ва ҳаётийни химоя қилиши янада тақомиллаштиришнинг қонуний-ҳуқуқий асосларини қучайтириш муҳим вазифалардан бири этиб белгиланган. Ана шу вазифаларни рўйга чиқариш мақсадида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган.


сиз рестороанлар, кафе-барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгличор (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймас-

вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки итти-солаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ишга жойлаштириш ва турмушларини йўлга қўйишларида қўмаклашиш ишлари кенг қўламада бошлаб юборилди.

Қонуннинг 6-моддасига асосан, давлат органилари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органилари ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганини тўғрисида ахборотларни беришлари шарт. Шу билан бирга, Қонуннинг 17-моддасида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органилари қатор вазифалар юқлатилган. Яъни улар ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқ бузган вояга етмаганларга ва оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ профилактика

Қонун ва ижро

лиги белгилаб қўйилган. Улар, айни чоғда, вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик восита-



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 45-модда.

ишни олиб боришда фаол иштирок этади. Уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий-педагогик реабилитация қилишнинг замонавий услуб ҳамда технологияларидан фойдаланади, ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди. Энг муҳими, вояга етмаганларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўмаклашадди, улар билан тузилган меҳнат шартномасини шил берув-чининг ташаббуси билан бе-кор қилиш тўғрисидаги ма-салаларни кўриб чиқади. Буларнинг барчаси таъминки, тизим ҳодимлари зиммасига жуда катта масъулият юқ-лайди. Қонуннинг мазкур талабидан келиб чиқиб, ме-ҳнат ва аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш органиларининг вазифалари аниқ белгила-б олинган.

Хозирги кунда ушбу тад-бирлар режасининг ижроси назоратга олинми, барча жойларда Қонуннинг сўзсиз ижро қилинишини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

У. ДУШАНОВ, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори.

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАНИШЛАР

фармацевтика саноати ривожидида муҳим аҳамият касб этмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Корхона фаолияти йилдан-йилга кенгайиб бораётгани, айниқса, эътиборга молик. Масалан, дастлабки йилларда кичик бир цехда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтга келиб, цехлар сони учтага етди. Уларнинг хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланиши иш унумдорлигининг бир неча баробар ошишига замин яратди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бу ерда 56 турдаги янги дори-дармон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни кунларда ана шу маҳсулотлар нафақат ички бозорга, балки бир қатор қорхоналарга ҳам

етказиб берилапти. Жумладан, ўтган йили "Nika Pharm" маҳсулотлари Германиядаги "TUV Turinger" халқаро компанияси томо-нидан энг яхши деб топи-либ, халқаро ISO 9001:2008 сертификати берил-ганини жамоа аҳлини

Президентимизнинг 2009 йил 27 январдаги "2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материал-лаш ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қаро-рига биноан, "Nika Pharm" ушбу дастурга киритилган эди. Натижада

янги марраларни забт этишга ундаётёр. Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар. Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

янгиланишлар ва технологияларнинг қўллашлари, фаолиятнинг йўналишлари аниқ белгилаб қўйилди. Айни пайтда вояга етмаганларни ишга жойлаштиришнинг ҳуқуқий тартиби ва асослари яратилди. Маълумки, вояга етмаганлар ўз ҳуқуқларини тўла-тўқис эълан қилишга, химоя қилишнинг ҳуқуқий воситаларини қўллашга қодир бўлмайдилар. Шу боисдан Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси орқали уларнинг назоратсизлиги, турли ҳуқуқбузарлик ёки бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартафоз этишга қаратилган ижтимоий ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, табиат соғлиги, теварак-атроф тозаллигини сақлаш инсон саломатлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бунга эътиборсизлик билан қараш ёхуд масъулиятни ҳис этмаслик кечириб бўлмас ҳолатдир.

Яқинда Фарғона вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳодимлари Фарғона шаҳридаги "Механика" корхона-сида қисқа муддатли текширув ўтказишди. Тафтиш давомида корхонада нефть маҳсулотлари сақланадиган идишларда атмосфера ҳавосидан чиқадиган зарарли ташламаларни назорат қиладиган ускуна-лар ишламаётганини аниқлади. Натижа-да кўп миң кишилик хо-димлар меҳнат қиладиган корхонада атмосфера

корхонанинг ип йиғирув цехида чангни ютиб қолувчи ускуналар ишламаганини атмосферага чиқаётган чанг миқдорининг меъёридан ортиб кетишига сабаб бўлган. Бу Ўзбекистон Республикасининг "Табиат-ни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 28-моддасига зид эканлиги учун корхона цех бошлиғи С. Султоновга жазима солинди. Корхона раҳбарларига эса кел-гусида меъёрий ташлама-ларни қамайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш юқлатилди.

Бундай ноҳуш ҳолатлар, афсуски, фақат ишлаб чиқариш корхоналаридагина эмас, айрим ўқув муассасаларида ҳам содир бўлаётди. Хусусан, Фарғона шаҳридаги Солиқ коллежи тасарруфидидаги автомобил-лардан чиқаётган эи газ бири неча йиллардан буюн деярли текширилмаган. Автомашиналар текширилганда, эи газ белгиланган меъёрга нисбатан икки бар-бар ортиқлиги аниқланди. Бу эса "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддасига зид ҳисобланади. Бундай масъулиятсизлик учун коллеж авто-ҳўжалиги меҳаниги А. Худойбердиевга нис-батан моддий жавобгарлик жазоси қўлланил-ди. Коллеж раҳбарлари эса қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўймаслик, соҳани назорат-да олиш тўғрисида огоҳлантирилди.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ҳар би-римизни ҳушёрликка чорлайди. Негаки, ин-сон ҳаёти, айниқса, унинг саломатлиги та-биат билан узвий боғлиқдир. Шундай экан, мамлакатимизда она-табиатни муҳофаза қилиш, уни соғлиғига асраб-авайлашга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда ҳар биримиз фаоллик кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўми-таси назоратчилари, шаҳар ва туманлар-даги тегишли инспекциялар томонидан бир қатор ишлаб чиқариш, қурилиш, са-ноат корхоналарида бу борада йўл қўйил-ган қамчиликлар ўз вақтида аниқланган-лиги сабабли атмосфера ҳавосини химоя қилиш, озон қатламга таъсир этувчи чи-қиндиларни қамайтириш юзасидан бажа-рилаётган ишлар яхши самара бераёпти. Айниқса, аҳоли орасида ушбу йўналишда олиб борилаётган тушунтириш ишлари доирасида табиат, ҳаво мусафоллиги учун курашиш фақат экология тизими хо-димларининг ишигина бўлиб қолмай, балки бутун жамоатчиликнинг қўллаш фаоли-яти айланши лозимлиги ўқтирилмоқда.

Жамоатчи назоратчилар ҳушёрлиги ту-файли Тошлоқ туманидаги "Водий Тошлоқ Текстиль" корхонасида ҳавони ифлослан-тиратган чангларнинг атмосферага тар-қалиши олди олинди. Маълум бўлишича,

Ўзбекистон Фанлар академиясида эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган ёш олимлар илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

миз миқёсида жажон тиббиётининг илгор янгиликларини кенг татбиқ этиш бора-сида қўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, республикаимизда қангли диабет хасталигининг олдини олиш, ушбу кас-салликка ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш, уни самарали даволаш борасида муай-

лаҳатчиси, профессор Майкл Пауэлл ўзбекистонлик шифокорлар билан ҳам-корлик натижалари, нейрондорикан тизим ўсмаларининг йўналтирилган тера-пияси, қушинг касаллигининг хирургик давоси юзасидан илмий маърузалари билан чиқиш қилдилар.

— Саккиз йилдан буюн ўзбекистон-лик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди профессор Майкл Пауэлл. — Шунини мамуний бил-лан қайд этишни истардимки, мамлакат-нинг эи тиббиёт соҳасида амалга оши-рилган ишлар заворолдир. Негаки, бу-гун бу ерда энг мураккаб жарроҳлик ускуналарини қўллаш учун имконият ҳам, шароит ҳам, мутахассислар малакаси ҳам етарли.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қиз-лар қўмитаси раиси Ф. Акбарова ишти-рок этди.

Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 22 июнда қабул қилинган "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкам-лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, жойлар-да ҳимолдор аёллар сало-матлигини янада яхшилаш, уларни махсус дармондори ва микронутриентлар билан бепул таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Айни пайтда яқин-да мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудлари, шаҳар ва ту-манлардаги шифо масканла-рида ташкил этилган "Туғиш

ёшидаги аёллар, болалар ва ўсимир қизларни соғломлаш-тириш ҳафталиги" доираси-да 7,8 миллион нафар туғиш ёшидаги аёлларга, 4 миллион нафар 14 ёшга бўлган ўсимир қизлар тўлиқ тиббий қўриқдан ўтганини қўйил-лидир.

— Ёш авлоднинг фаровон келажагини таъминлаш йўли-да бундай эзгу савий-ҳара-катлар ҳуш пайтга қадар жа-ҳоннинг ше бир давлатида кузатилмаган, — дейди Ўзе-бекистон Хотин-қизлар қўми-таси раиси ва боланикини муҳофаза қилиш бўлими бош мутахассиси Рўшан Тўраева.

Дарҳақиқат, оналар сало-матлигини мустаҳкамлаш эр-танги ёруғ келажагимизнинг асосий шарт ҳисобланади. Шу маънода Республика Хотин-қизлар қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан қатор ва-колатли идоралар билан ҳам-корликда ўтказилаётган соғ-лом турмуш тарзи тарғиботи билан боғлиқ тадбирлар аҳолининг тиббий мадания-тини ошириш, ёш оилаларни

рувчи озқалар билан таъ-минлашга йўналтирилган тад-бирлар учун давлат бюджет-дан 8 миллиард сўм маб-лағ ажратилганлиги соғлом келажақ қуриш йўлидаги оқилона чора-тадбирлар си-расидандир.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, хотин-қиз-лар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Юртимиз ободлиги, дастурхонимиз тўкилиги, ризку насибамиз бутунлиги ўзимиз яшаётган шу замин билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, уни кўз қорачигдек асраб-авайлаш, унумдорлигини муттасил ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу, аслида, сизу бизнинг келажак авлод олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Жараён

Шуни ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбарияти томонидан ирригация-мелиорация тизимини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг қўлланма чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбир-

ёнилгини кам сарфлаши жиҳатидан тубдан фарқ қилади.

Натижада бултур жами 21 лойиҳа бўйича 1709 километрлик коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш, 6 та объектда 37,6 километр узунликдаги зовурларни реконструкциялаш ишлари бажарилиб, бунинг учун 10,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, 52000 гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

ЕР УНУМДОРЛИГИ – БАРАКА МАНБАИ

лари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлаётди. Хусусан, ана шу ҳужжат асосида қули шўрланган ерлардан иборат бизнинг воҳимизда қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш бўйича янги тизим — қишлоқ ҳўжалиги экинларидан муттасил юқори ҳосил етиштиришни таъминлашнинг ишончли механизми яратилди. Бунинг самараси ўлароқ, 2008 — 2012 йилларда суғуриладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурига кўра, вилоятимиз бўйича 16506 километр узунликдаги коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш, 434 километрлик магистраль коллекторларни реконструкция қилиш ишлари рўёбга чиқарилмоқда. Эро, бир километр узунликдаги зовур камида 24-25 гектар майдоннинг ер ости сизот суви сатҳини пасайтириб, мелиоратив ҳолатини яхшилаётди.

имконини берди. Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ҳозиргача 1202 километрлик зовурларни таъмирлаш ва тиклаш, 38,80 километр узунликдаги коллекторларни реконструкциялаш ишлари ниҳоясига етказилди. Пировардида 37 минг гектар майдонда ер ости сувлари сатҳининг пасайишига эришилди. Йил охиригача бу борада 14,6 миллиард сўм маблағни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Бизнинг соҳамизда "тизимли тозалаш" деган ибора бор. Бу дегани — туманлар ора, ҳўжаликлар ора ички зовурларни, барча сув тармоқларини тизимли тозалашни йўлга қўйишдир. Шундай қилинганда, ишмизнинг самараси юқори бўлади. Биз шу йўсида фаолият юритаямиз. Айни чоғда мелиоратив тадбирлар яқунланган объектларда улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, атрофларини ободонлаштириш бўйича кенг қўлланма юмшлар урдаланмоқда.

Дарҳақиқат, еримиз — бебаҳо ҳазина. Шундай ҳазина бийойтиш учун бутун жамоатчилик ўз ҳиссасини қўшиши керак, деб ҳисоблайман. Ана шунда бизни боқаятган заминимизнинг соҳавати янада ортадики, бунинг натижасида юртимизда мўлқчилик таъминланади.

Қаҳрамон ОРТИҚОВ, Қуй Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Хоразм гидрогеология мелиорация экспедицияси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келтириб чиқарган мураккаб вазиятлар, мана, икки йилдан ошдироқ вақт ўтибдики, ҳали-ҳамон оммавий ахборот воситаларининг кўп тартибдаги асосий мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Қайси бир давлатда узоқни қўзлаб, иқтисодиётни соғломлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатлари, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш каби ўта долзарб масалалар ечими юзасидан пухта режа асосида иш тутилаётган бўлса, ўша ерда таназзул оқибатларини туғатиш, унинг аҳолига салбий таъсирини юмшатишга эришилмоқда.

Самолётсозлик:

ИЗЛАНИШ, ИМКОНИЯТ, САМАРА

Ақсинча, йирик ишлаб чиқарувчилари бундай фақуллода ҳолатларга тайёр бўлмаган, ҳукумат томонидан ажратилаётган молиявий ёрдам кўлами эса кўрилган зарарни бартараф этиб, ижобий натижага кўтарилишга етмаётган мамлакатларда иқтисодий ўнгиланиш жараёни ҳам, табиийки, жуда суст кечмоқда.

Иқтисодий таназзулдан энг кўп азият чеккан соҳалардан бири, бу — самолётсозлик. Айрим гигант компанияларнинг ушбу даврдаги фаолиятига назар ташлашнинг ўзиёқ уларнинг аҳоли ҳақида тасаввур қилиш учун етарли, назаримизда. Жумладан, йўловчи, юк, ҳарбий-транспорт самолётлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган дунёдаги энг йирик авиа-созлик компанияларидан бири "Airbus"ни олиб кўрайлик. Бош қароргоҳи Франциянинг Тулуза шаҳрида жойлашган мазкур компания Европа аэрокосмик соҳаватини қўллаётган (EADS)га тегишлидир. 2009 йилда EADS 763 млн евро микдоридан зарар кўрди, пул айланмаси эса 43,3 млрд евродан 42,8 млрд гача қисқарди. Мутахассисларнинг изоҳлашича, бундай салбий ҳолат авиатранспорт хизматидан фойдаланишнинг камайиши ва компанияларнинг янги самолётларни харид қилиш имкониятининг чекланиб қолгани туфайли юзага келди. "Airbus" мавжуд салбий ҳолатдан қутулиш, айниқса, кўрилатган зарар микдори ва харajatларни озайтириш мақсадида қатор чоралар қўлади. Касаба уюмларининг қаршилиги, ходимларнинг норозилик-га қарамай, ун мингта иш ўрни (умумий штатнинг бешдан бир қисми)ни қисқартирди. Олтига йирик тармок заводини ёпди. Инқироз туфайли зарар ботқоқда қолиб кетган йиғиш чекларини сотиш тадбирлари қўл урди. Уларнинг орасида Франциянинг Молт, Сен-Назер, Германиянинг Лаупхайм, Аугсбург ва Норденхайм шаҳарларидаги шохобчалар бор. Булар эса кўплаб ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди, компания нуфузига соя солди.

"Airbus"нинг келажак мақсадлари ҳам кўтаринки руҳда эмас. Яқин

Бошқалардан фарқи равишда, Бразилиянинг "Embraer" компанияси кўпчилик учун қутилмаганда яхши кўрсаткичларга эришди. Буни ташкилотнинг ишлаб чиқариш бўйича дунё рейтингидagi ўрнини янада мустақамлаб олганидан ҳам билса бўлади. Шунга қарамай, кўплаб само-

ИЗЛАНИШ, ИМКОНИЯТ, САМАРА

лётсозлик компанияларида тикланиш жараёни анча секин кечмоқда. Мазкур ҳолатни соҳа иқтисодиётининг бошқа кўплаб тармоқлари билан чамбарчас боғлашиб кетгани билан изоҳлаш мумкин. Шу йил Берлин шаҳрида ташкил этилган Халқаро аэрокосмик

илк марта намойиш этилган. Ривожланиш ҳақида гап кетганда, яна бир ёрқин мисолни келтириб ўтиш ўринлидир. Шу кунларда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси рейсларида ўзимизда ишлаб чиқарилган ва янги модификациядаги "Ил-114-100" самолётидан самарали фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ҳаво транспорти замонавий бозор талабларига тўла жавоб беради. Ёқилғи сарфлашда ниҳоятда тежамкор, ташқи кўриниши ҳам бежирим. Ажойиб дизайн ва қулай интерьерлар унинг баҳосини оширади. Ундаги ҳаво намлигини сақлаш ва совитиш тизимининг узлуқсиз ишлаши маҳаллий шароит учун аини муддаодир. Йўловчиларни 1250 км. масофагача олиб бориш хусусиятига эга. Бу эса унинг маҳаллий ва МДХ бўйлаб парвозлар уюштириш имконини беради.

Шунинг учун ҳам бизда ишлаб чиқарилган самолётлар доимий харидорлар — Россия ва Озарбойжонда ишончли оқлаб келмоқда.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг ошиб боришида эса "Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат-акциядорлик жамиятининг ўз ҳиссаси бор. Мазкур ташкилотнинг ISO-9001 халқаро сифат сертификатига сазовор бўлгани ҳам бежизга эмас. Бу Халқаро сертификатлаш ташкилоти вице-президенти доктор Маликийнинг сўзларида ҳам ўз аксини топди: "Мазкур ташкилот халқаро сифат сертификатининг топширилиши Ўзбекистон авиасозлиги муваффақиятларининг дунё миқёсида тан олиншидир".

Халқаро даражада юртимиз самолётсозлигига билдирилган ишонч ва эътироф эса экспорт қўламини янада кенгайтириш имконини беради.

Муттасар қилиб айтганда, ўзбек самолётсозлиги раванқида Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган муҳим чора-тадбирлар дастури, хусусан, 2020 йилгача мамлакатимиз асосаро авиациясини ривожлантириш Давлат дастури мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунинг учун дунёнинг қатор авиасозлик компаниялари инқироз асоратларидан ҳамон қутула олмаётган бир пайтда ҳам юртимизда мазкур соҳа раванқ топишда давом этмоқда.

Санджон МАХСУМОВ.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Агробанк"ни ОАТБнинг Сирдарё вилоти бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилдики, бу, ўз навбатида, иқтисодиётимиз ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Бошқарманинг шаҳар ва туман бўлиmlарида асосий эътибор иқтисодиётнинг агро-саноат тармоғидаги корхона ва ташкилотларни молиявий қўллаб-қувватлаш, банкнинг ресурслар базасини мустаҳкамлаш, миқозлар сонини янада кўпайтиришга қаратилаётди.

ланганлиги туфайли, айниқса, аҳолидан жалб қилинган омонатлар микдори ой сайин ўсиб бораётди. Банк жами кредит қўйилмавларининг 65 фоизи иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтирилган, активлар таркибида кредит қўйилмаларининг микдори 135 ҳолда, 2560 та иш ўрни яратилгани шундан далolat беради. Бошқарма томонидан, шунингдек, кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар микдори ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2010 йилнинг 10 ойи давомида бу кўрсаткич 13 миллиард 5,6

кучайтириш ҳамда чорвачилик махсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 49 та субъектга 443,6 миллион сўмлик кредит ажратилди. Ана шу кредитлар таркибида микрокредитлар ҳажми, айниқса, салмоқлидир.



ИШОНЧЛИ ҲАМКОР, МОЛИЯВИЙ МАДАДКОР

Айни пайтда банк бўлимлари даромадларини ошириш, активлар сифатини яхшилаш ҳамда бизнес-режада белгиланган параметрлар юзасидан бажариладиган ишларни урдалаш ҳам диққат-эътиборда турибди. Маълумки, банклар

фаолиятида хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш ва сифатини яхшилаш орқали миқозлар ишончини қозониш, барқарор ликвидлигини сақлаш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Депозит ва фойз сиёсати, банк бошқарув услуби тўғри тан-

миллион сўмни ташкил этди. Мазкур маблағнинг 10 фоизи қисқа мuddатли, 90 фоизи узоқ мuddатли кредитлардир. Натижада 2 062 та иш ўрни очилган бўлса, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Еш



Хизмат оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, ўтган мuddат ичида 45 та ёш оилага 347,2 миллион сўм микдорида микрокредитлар берилди.

Бундан ташқари, банк жамоаси кам таъминланган оилаларнинг шахсий ва ёрдамчи ҳўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларидида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни

Вилоят иқтисодиётини юксалтириш, аҳолининг банд бўлмаган қатламини иш билан таъминлаш, ижтимоий аҳолини янада яхшилаш мақсадида банк томонидан ҳар бир туман бўйича истиқболли ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилиб, унинг ижроси устидан доимий назорат йўлга қўйилгани ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Чунончи, банкнинг "Сирдарё" филиали томонидан Сирдарё шаҳридаги "Темур Мед Фарм" масъулияти чекланган жамиятига жорий йилнинг биринчи чорагида техно-логик асбоб-ускуналарини сотиб олиш учун 4 миллиард 785 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Айни кунларда янги тиббиёт препаратлари ишлаб чиқариш корхонаси қурилиши жадал олиб боришмоқда.

Вилоятда 2010 йилда озиқ-овқат ва ноозик-овқат моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш давлат дастурига асосан, 30 та корхона, 9 та кичик бизнес субъекти, 37 нафар фуқарога банк кредитлари ажратилгани ҳам диққатга сазовордир. — Фермер ҳўжаликлари кўп сайин ривожланаётган ва уларнинг фаолиятини кўп тармоқли асосда диверсификациялашни таъминлаш талаблари қўйилмаётган бир пайтда қишлоқ мулкдорларини кредитлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга, — дейди бошқарманинг кредит қайтарувчанлигини мониторинг қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўлими бошлиғи Н. Назиркулов. — Маълумки, фермер ҳўжаликлари ҳозир нафақат



24 соат ичида Шу йилнинг июль — сентябрь ойларида АҚШда инқироз ёқасига келиб қолган банклар сони 860 тага етди.

Зарар ва даромад Бу ҳақда Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси маълум қилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келган молия муассасалари сони 829 тани ташкил қилган эди. Учунчи чоракка келиб, 41 молия муассасаси инқироз ҳолатига тушиб қолди. Бу йил бошидан буён 127 та банк таназзулга учраганидан дарак беради. Шунга қарамай, барқарор фаолият юритаётган тижорат банклари ўтган уч ой ичида 14,5 миллиард АҚШ доллари микдорида фойда кўрган.

Жинойтчиларга қарши амалиёт Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида уюшган жинойт гуруҳларга қарши махсус амалиёт ўтказилмоқда. Унга мамлакат ҳўқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва армия жалб этилган. Манбага қараганда, гйбхванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи тўда аъзолари Пенья туманида турли худудларга яшириниб олиб, қонун ҳимоячиларига жиддий қаршилик кўрсатмоқда. Юзга келган тўқнашувлар оқибатида 30 нафар одам ҳаётдан кўз юмган.

Ёрдамга муҳтожлар сони кўпаяди Европа Иттифоқининг қўллаб маблақатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз асоратлари ҳамон кўзатилимоқда. Олдинроқ таназзулдан азият чекаётган Ирландия ҳукумати ЕИДдан моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Хабарларга қараганда, айни пайтга келиб, Португалия, Испания ва Бельгия мамлакатлари молиявий жиҳатдан мураккаб аҳволга тушиб қолган. Шу боис экспортлар мазкур давлатлар ҳам Ирландия каби ЕИ қўмағига муҳтожлигини билдиришган.

Узоқни кўзлаган бозор Буюк Британиядаги энг йирик ва дунё бўйича учунчи ўринда турадиган "Tesco" чакана савдо ритейлери (махсулот етказиб берувчи) Хитойда ўз бизнесини ривожлантиришга киришди. Чунки ҳозир Чин ўлкаси иқтисодиёти жадал тараққий этмоқда. Шу боис "Tesco" бу вазиятдан унумли фойдаланишни мақсад қилган. Режага кўра, муассаса 2015 йилгача Хитой бозоридан келиб тушадиган даромаддан тўрт миллиард фунт стерлингга етказмоқчи. Маълумот сифатида айтиб ўтамоқ, ҳозир Хитойда "Tesco"нинг 88 та дўкони ишлаб турибди. Яқин йиллар ичида эса улар сони 200 тага етказилади.

«Йўлат қушлар» парвозга шай Австралиянинг "Qantas" авиакомпанияси "A 380" лайнерлари қатновини қайта йўлга қўйди. Шундай қилиб, "Airbus" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган дунёдаги энг йирик авиатранспорт яна йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Гап шундаки, ноябрь ойида мазкур авиакомпанияга тегишли самолётлардан бири двигателидаги носозлик туфайли Сингапурга фақуллода қўндирилган. Шундан сўнг компанияга қаршли барча "A 380" лайнерлари вақтинча парвоздан олиб қўйилган.

Ш. ХОЛМУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МАДАНИЯТ хабарлари

МАҲОРАТ, ШИЖОАТ ВА БАРКАМОЛЛИК

Спортчиларимиз XVI Осиё ўйинларида қувончли ютуқларга эришдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб камолга етишларини таъминлашга хизмат қилади. Бунинг самараси ўлароқ, бадиий гимнастика машғулотида қатнашиш истада бўлган ёшлар сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, ҳозирда юртимиз бўйича ўн минг нафардан ортиқ қизлар спортнинг ушбу тури билан шуғулланаётди. Улар орасидан ҳам Уляна Трофимова каби юрт шанини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қиладиган спорт юлдузлари етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Осиё ўйинларида Ўзбекистон энгил атлетикачилари ҳам қўлда ўз ўрнига эга эканликларини намоян қилишди. Хусусан, шу кунгача бўлиб ўтган беллашувлар давомида Юлия Тарасова, Гўзал Хуббиева каби спортчиларимиз олтин, кумуш ва бронза медаллари билан тақдирландилар. Уларнинг бу муваффақиятини яна икки нафар энгил атлетикачимиз Светлана Радзивил ва Надия Дусанова давом эттиришди. Баландикка сакраш баҳсларида Светлана Радзивил 1,95 метр кўрсаткича эришиб, олтин медаль

билан тақдирланди. Гуанчжоу шаҳрида голиб спортчимиз шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Надия Дусанова эса кумуш медаль соҳибаси бўлди.

Шу ўринда мазкур спорт тури билан боғлиқ яна бир қизиқ маълумотни келтириб ўтишни лозим деб топдик. Маълумки, бундан бир неча кун аввал ватандошимиз Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш баҳсларида кумуш медални, 200 метрга югуриш беллашувларида эса бронза медалини қўлга киритганди. Унинг бу ютуғи мусобақа давомида қайд этилган эътиборли натижалардан бири бўлди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг айнан Гўзал эришган муваффақиятга алоҳида аҳамият қаратишгани ҳам бунинг яққол далилидир.

— Гарчи Гўзал 100 метрга югуришда Осиё ўйинларидаги унвонини сақлаб қола олмаган бўлса-да, у мухлисларнинг меҳрини қозонди, — деб ёзади мусобақанинг интернетдаги расмий веб-сайти. — Марра чизмига этакчи бўлиб турган Г. Хуббиева сўнги метрларда рақибига атиги 0,01 сонияга имкониятни бой берди.



Ирода ва матонат соҳибаси Гўзал Хуббиева (чапдан биринчи) кетма-кет учинчи бор Осиё ўйинлари совриндорлари сафида.

Эслатиб ўтамиз, Гўзал Осиё ўйинларидаги ўзининг илк медалини 2002 йили Пусанда 100 метрга эстафета югуриш баҳсида қўлга киритганди. Шундан сўнг у 2006 йили Дохада битта олтин ва битта кумуш медалига эга бўлди.

Шахмат бўйича жамоавий баҳслар Ўзбекистон аёллар терма жамоаси учун омадли яқунланди. Финалда мезбонларга имкониятни бой берган ҳамюртларимиз нуфузли мусобақанинг кумуш медаллари билан тақдирландилар.

Бокс бўйича 75 килограмм вазн тоифасида финалгача етиб келган Аббос Атоев эса ҳал қилувчи жанг-да хиндистонлик рақибига имкониятни бой берди.

Шу тариқа Ўзбекистон спортчилари мазкур мусобақа давомида 11 олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза (жами 56 та) медалларини қўлга киритишди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади. А. ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

Карикатурачи расом Маҳмуджон Эшонкулов Исроилининг Хайфа шаҳрида бўлиб ўтган танловнинг махсус мукофотини қўлга киритди.

Маълумки, мусавирнинг ҳазил-мутойибага йўғрилган асарлари газета ва журналларда мунтазам эълон қилиб борилади. У шу пайтгача ўтказилган 350 дан зиёд халқаро танлов ва кўргазмаларнинг 93 тасида голиб ҳамда совриндор бўлганлиги эътиборга лойиқ. Бу натижа боис «Дунёнинг 100 та буюк карикатурачи-расомлари» рўйхатида киритилган.

М. Эшонкулов асарлари мамлакатимиз, Ҳамдўстлик давлатларидан ташқари, бир қатор хориж мамлакатларида ҳам намоиш этилиб, санъатшунослар ва мухлислар эътирофини қозонди. Унинг юздан зиёд ижод намуналари Япония, Болгария, Италия, Хитой, Корея сингари кўплаб давлатларнинг музейларида сақланмоқда.

Жаҳон карикатуричилари орасида қўлга киритилган наватдаги голиблик расом ижодида берилган яна бир юксак баҳодир.

Гавҳар САОДАТОВА.

Истеъдод соҳибалари сараланди

Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи якунланди.

Ўнда 45 нафар қиз бешта йўналиш бўйича ўз истеъдод ва маҳоратини синовдан ўтказди. Танлов қизларнинг нафақат амалий санъат, адабиёт, талим соҳасида, балки илмий йўналишларда ҳам жиддий изланишлар олиб бораётганини кўрсатди.

Тадбир якунида йўналишлар бўйича голиблар номи аниқланди ҳамда танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун тавсия этилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон спортчилари эришган галабаларга муносиб ҳисса қўшган гимнастикачимиз Уляна Трофимова Осиё ўйинларининг чиннакам қафийти бўлди.

ШОҲЛАР МЕВАСИ

ёхуд ёнғоқнинг сиз билган-билмаган хусусиятлари ҳақида

Ёнғоқ ёнғоқдошлар оиласига мансуб бўлиб, Ўрта Осиёда энг кўп тарқалган дарахлардан биридир. У лотинчада «Шоҳлар меваси» деган маънони билдиради. Араблар «жавиз», қозоқлар «жангак», тожиклар «чормағиз», форсийлар «гирдагон», руслар «царский орех» деб аташади. Бу ўсимлик ўрта ҳисобда 100 — 200 йил яшайди, 18 ёшдан 70 ёшгача мўл ҳосил беради.

садида «Карион» препарати тайёрланади. Одатда, ёнғоқ тўйимли ва парhez таом сифатида тавсия этилади. Кунига 4 — 10 донаси истеъмол қилинса, кислотали гастритга малҳам бўлади.

Шу билан бирга, ёнғоқ дарахти мустаҳкамлиги, ташқи тасирига чидамлилиги, жилоланиш хусусиятларига эгаллиги учун ундан сифатли мебель махсулотлари ҳам ясалди.

Ана шундай бебаҳо хисобланган бу дарахт, афсуски, айрим жойларда ўтин сифатида ишлатилаётгани туфайли камайиб бормоқда. Устига устак, табиий танлаш йўли билан етиштирилган ва халқ талабига жавоб берадиган ёнғоқлар маълум миқдорда саралаб олинган бўлишига қарамай, улар кенг майдонларда ўстирилмапти.

Республикамизда дунё миқёсида фан учун маълум бўлган ёнғоқнинг 40 тури, хусусан, «Галвирак», «Қоғоти», «Идеал», «Писта ёнғоқ» каби навлари ўсишини ҳисобга олсак, кўплаб ёнғоқзорлар барпо этиш учун қўлай шарт-шароит ва имкониятлар мавжудлиги айёнлашди. Шундай экан, бу хайрли ишга барчамиз ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Ҳ. ПРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси ФА «Ботаника ва илмий-ишлов чизмалари маркази» илмий лабораторияси мудири, биология фанлари доктори.

А. НИМАТУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг лабораторияси мудири, биология фанлари номзоди.

Ўзбекистонда ёнғоқ дарахти Чотқол, Уғом, Пском, Корхонтоғ, Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг қора-кўнгир тупроқли шимолӣ, шимолӣ-шарқӣ ва шимолӣ-ғарбӣ ёнбағирларида ўсади. Айниқса, денгиз сатҳидан 750 — 2000 метр баландликдаги сернам тоғ ёнбағирлари унинг учун энг қўлай жой ҳисобланади. Бу худудларда ёнғоқнинг баландлиги 20 — 30 метргача етиб, шоҳ-шаббалари кенг, танаси йўғон, айланаси 1,5-2 метр ва ундан ҳам ортиқ бўлади. У май ойида гуллаб, меваси сентябрь ойида пилинади.

Чунки унинг барги, хом пўсти ва мағзи яраларни битирувчи, киши танасига қувват берувчи, гижжаларни туширувчи, модда алмашинуви ҳамда овқат ҳазмини яхшиловчи, қонни оғир металллардан ва захарли моддалардан тозаловчи хусусиятларга эгадир.

Буюк олим Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асарида ёнғоқ асал ва рута ўсимлиги қўшилган ҳолда турли жароҳатларга боғланса, унинг асоратларини йўқотиши, агар ёнғоқ кўп миқдорда ейилса, гижжаларни тушириши, қайнатилган пўстлоғининг суви томоқ оғрини қолдириши, лекин у йўтал даврида зарарли эканлиги ҳақида ёзади.

Халқ табобатида у ошқозон-ичак касалликлари, ич кетishi, рахитни даволашда ҳам яхши наф беради. Тиббиётда ёнғоқ баргидан сил касаллигини даволаш мақсадида «Карион» препарати тайёрланади.

Ў. ПАЙЗИЕВ.

«БУ БАРЧАГА ТААЛЛУҚЛИ»

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жағнамаси, Британия кенгаши ва «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ёш фотограф Танзила Мухамеджанованинг илк кўргазмаси ташкил этилди.

Баркамол авлод йили муносабати билан очилган мазкур кўргазма «Бу барчага тааллуқли» деб номланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки она-Ватанимизнинг бетакрор манзаралари, табиат ва инсон уйғунлиги тасвирланган ушбу суратлар киши диққатини тортади, уни чуқур мушоахадага чорлайди. Бундан ташқари, кўргазма Британия кенгашининг «Иқлим ўзгаришларига аҳолининг мослашуви» лойиҳаси доирасида тақдим этилганлиги боис экспозициядан жой олган аксарият фотоасарларда атроф-муҳит мусаффолигини асраш масаласига эътибор қаратилган.

Кўргазмининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унда иштирокчилар табиатни асраш-

га доир турли танловлар, сўровномалар, тақдирот ва муҳокамаларда қатнашиб, фикр-мулоҳаза билдиришлари мумкин. — Она-заминга муҳаббат, юрт гўзаллигини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муҳаддас буржон бўлиши шарт-шароити. — дейди тадбир иштирокчиси Ўзбекистон Миллий университети талабаси Гулноза Каримова. — Кўргазмада ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Муаллиф бу борадаги долзарб муаммоларга ўта таъсирчан услубдаги ижодий изланишлари орқали жамоатчилик диққат-эътиборини жалб эта олган.

Кўргазма 30 ноябргача давом этади. О. ФАЙЗИЕВ.

ОБ-ҲАВО (27 ноябрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнғингарчилик қўтилимайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража илқ, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик қўтилимайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи эса 12-17 даража илқ бўлади.

Кашкадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёнғингарчилик қўтилимайди. Кечаси 2-7 даража илқ, кундузи 15-20 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик қўтилимайди. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёнғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 2-4 даража, кундузи эса 15-17 даража илқ бўлади.

«Ўзгиромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Санъат халқларни эзгуликка, бунёдкорликка чорлайди. У равнақ топган элнинг ҳамшиша кайфияти чоғ, руҳи баланд бўлади. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда санъат соҳаси, санъат аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан кўнгил кўтарилади.

САНЪАТИМ — САОДАТИМ

Халққа маданий ва маънавий хизмат кўрсатишга сафарбар этилган ушбу соҳанинг вақили сифатида ана шу эътиборни доимо ҳис қилиб тураман. Бу, айниқса, бугун шаҳару қишлоқларда бунёд этилган замонавий маданият уйлари, ҳашаматли санъат саройлари, уларда яратилган бекам куст имкониятларда яққол кўзга ташланади. Истеъдодларнинг ҳар томонлама кўллаб-қувватланиб, меҳнати муносиб рағбатлантирилиши эса кишини заъф билан ижод қилишга чорлайди. Биргина бизнинг театримиздаги шарт-шароит, жўшқин ижодий муҳит бунга жонли мисол. Кейинги пайтларда бу ерда халқимиз маданий ҳаётига мазмун бахш

таъмирдан чиқарилиб, бутунлай янги қиёфа касб этди. Саҳна жиҳозлари, ўриндиқлар алмаштирилди, бино атрофида томошабин-

этувчи кўплаб саҳна асарлари яратилиб, мароқли концерт дастурлари тайёрланди. Мен воқал хонандаси ва актриса сифатида бу жараёнда фаол қатнашмоқдаман. Жумладан, ўндан ортиқ кино ва видеофильмларда турли образларни талқин этдим. Икки йил аввал Туркманистонда ўтказилган халқаро фестивалда қатнашиб, «Энг яхши аёл ролни ижро қилган» номинацияси бўйича голиблигини қўлга киритдим.

Бугун вилоятимизнинг бош санъат даргоҳи бўлган театримиз ижодий жамоасининг қўвончи кечис. Яқинда театр биноси мукаммал

лар учун замонавий сайилгоҳ барпо этилди. Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида Юртбошимиз Фармони билан менга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонининг берилиши эса ижодимга кўтаринки руҳ бағишлади, кўнгимга куч қўшди.

Дарҳақиқат, инсон қадри, унинг меҳнат ва интилишлари эъзозланган юрдада яшаш — олий саодат. Бундай эъзоз ва эътиборга жавобан ёниб яшаш, азиз Ватанимизнинг ёрғу келажиги учун фидойилик эса катта бахт. Шундай имкониятга эришганимдан бахтиёрман.

Меҳрижон АБДУЛЛАЕВА, Наманган вилояти мусиқали драма театри воқал артисти.

«Энг фаол маънавият тарғиботчиси»

Нукусда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

Унда беллашувнинг туман ва шаҳар босқичларида голиб чиққан маънавият тарғиботчилари иштирок этиб, ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Яқунда Мўйноқ тумани ҳокимлигининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича

масъул ходими Г. Нурсейтова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ПАРРАНДАЧИЛИК БЎЙИЧА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМ

ХТТ ТХК ЖК ва МЧЖ «ПО ТЕХНА» (Украина) БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Парранда (товуқ ва бройлер) тухуми ва гўштини автоматлаштирилган тизимда етиштириш:

- озуқа тарқатиш;
○ ахлатини йиғиш;
○ тухумларни сортларга ажратиш;
○ вентиляция қурилмалари ўрнатиш ва микроклим яратишни ўз ичига олади.

Корхона томонидан тайёрланган уч яруслик батареялар — КН-120.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Катта ҳирмонтепа к. (собиқ Сегизбоев), 1-уй. Тел.: (8-371) 272-97-16, 272-90-82, 272-95-76, (+99898) 367-00-15, 367-00-16. E-mail: kprvt@mail.ru

Российский линолеум
тел. 234-48-11
факс 234-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти жамоаси директор ўринбосари С. Хусомидинова турмуш ўртоғи Ширин ҚОБУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Телерадиодастурларини мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими бош мутахассиси

Ўрол ЎТАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 153,9 ▼ -3,9 ЦЕМЕНТ (пц400 д220) 157,0 ▼ -17,4 АРМАТУРА 2202,8 ▲ +882,8 ШИФЕР (1 лист) 12493 ▼ -57,0 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38595 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоис келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.
ISSN 2010-8788

Тахририятта келган кўлемлар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғиев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.
[]—Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Файзиев, Мусахҳоҳ — Ш. Махраббоев.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўро» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.30 1 2 4 5